

Асадов Далержон Файзуллаевич: *“Иқтисодиётни модернизациялашга инвестицияларни самарали йўналтириш механизмини такомиллаштириш”*. (5A230102 – Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)).

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. в/б Хусанов Д.Н.

Магистрлик диссертациясининг мақсади: Иқтисодиётни модернизациялашга инвестицияларни самарали йўналтириш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари:

- иқтисодиётни модернизациялашга инвестицияларни самарали йўналтириш ва жалб қилишнинг ўрни ва аҳамиятини назарий асослаш;
- республикада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни самарали жалб этишнинг ҳозирги даражасини таҳлил қилиш;
- иқтисодиётни модернизациялашга инвестицияларни самарали йўналтириш механизми бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни ҳудудий йўналтириш истикболларини ўрганиш, йўналтирилган инвестицияларнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш;
- миллий иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни самарали йўналтиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўллари бўйича амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.